

Доллар сўзи ўрта асрларда дастлаб 1519 йилда Германияда пайдо бўлган танга номи “Таллер”дан келиб чиккан. 1873 йилда таллер Германияда бутунлай муомаладан чиқиб кетди. Унинг ўрнига марка кириб келди. Бирок унинг номи халк орасида колиб кетди. Шу пайтларларда Англия ва Испания колонияларида песо номи билан машхур бўлган испан тангалари муомалада бўлган. Бу тангаларни кўп жойларда адашган холда “dalar” деб аташар эди. Бизга машхур бўлган доллар номи хам унинг дунёга машхур белгиси доллар хам ўша пайтда пайдо бўлган. Узун инглизча ибора “piece of Eight”, яъни 1/8 (нимчорак) когозда ўчирилган 8 га айланиб, охир-окибат бизга таниш бўлган доллар белгиси пайдо бўлган.

1879 йилда АКШ хукумати давлатнинг расмий валютасини муомалага киритиш чогида унга хеч иккиланмай хаммага маълум ва машхур бўлган доллар номини танлашди. Ўша пайтда машхур шахслардан бири “Янги Америка ўзининг янги пулига жуда эски ном танлади” - деган эди. 1792 йилда муомалада бўлган АКШ пулининг таркибидаги соф олтин микдори 1,6033 гр ёки 24,057 гр соф кумушдан таркиб топган эди. 80 йиллардан сўнг, яъни 1876 йилда мазкур олтин тангалар давлатнинг расмий пул бирлиги сифатида тан олингандан сўнг унинг таркибидаги соф олтин микдори 1,50463 гр килиб белгиланди. Бу микдор АКШда яна 30 йил, 1929-33 йиллардаги жаҳон иктиносидий таназзулигача амалда бўлди. Шу алфозда кабул килинган “олтин захираси” хакидаги хужжатга биноан, тилло микдори 0,88867 гр.га, яъни 41 %га туширилди.

Шу пайтда Троя унциясининг нархи 35 доллар эди. II-жаҳон урушидан кейин АКШ дунёдаги хукмронлигини мустахкамланиши билан долларнинг дунёдаги ўрни хам аста-секин билиниб борди. Маршал шартномасига асосан, вайрона холга келган Европага АКШ инвестицияси билан биргаликда долларнинг йирик окими хам кириб кела бошлади. Уруш туфайли ачинарли ахволга тушиб колган Европада долларнинг кенг истеъмолга кириши кийин кечмади. Шу пайтда Европанинг марказий банкларида долларни исталган Европа давлати пул бирлигига ёки келишилган микдордаги олtinga алмаштириб олиш мумкин эди. Бирок XX асрнинг 60-йиллари ўрталарида келиб, долларнинг кадри тушиб кета бошлади. Инфляциянинг ўсиши ва АКШ савдо балансидаги танкислик навбатдаги доллар девальвациясини келтириб чикарди. 1971 йилнинг охирида олтиннинг бир унцияси 38 долларга чиқди. Долларнинг таркибидаги олтин микдори эса умуман тўхтатилди. 1973 йиллар яна 10 %га девальвация килинди. 1974 йилнинг февралига келиб, олтиннинг бир унцияси дунёнинг йирик биржаларида 150 долларга кўтарилди. Хозирги кунда бу кўрсаткич 260 долларни ташкил этади. 100 йил мобайнида доллар 10 баробар арzonлашди. Аммо олтин стандартидан воз кечилган пайтда доллар ер юзининг кўпчилик ахолисини ишончини козонган эди. Кўплаб давлатларнинг норасмий пулларига айланиб колди. Охирги йилларда эса Жанубий Америка давлатларининг кўпчилигига доллар асосий пул ўрнида кўлланилмоқда. АКШдан бошка яна 26 давлат пул бирлиги доллар номи билан юритилади. Замонавий “долларчи” давлатларнинг катта кисмини Британия империясидан мустакил бўлгандан сўнг кабул килишган. 1857 йилда Канада Британия колониясидан доминьонига айланган вактдан бошлаб, бу давлатнинг расмий пул бирлигига айланди. Шунинг учун хам хозирги пайтда замонавий Канада банкнотларида хам Британия кироличаси Елизавета II ни портрети акс этган. Охирги муомалага киритилган долларлардан бири - бу Сингапур долларидир. 1967 йилда кенг муомалага киритилган ушбу банкнотлар кушлар, кемалар,

АКШ доллари тарихи

Муаллиф:

30.01.2014 20:24 -

гуллар ва бошка нарсалар билан безатилган. Бу пул дунё пуллари ичидэх хам энг чиройли бўлишига даъвогарлик килади. Лекин замонавий АКШ долларлари эса хамон XX аср бошидаги тасвирини узгартирганича йўқ. Олд кисми кулранг, оркаси яшил. Барча банкнотлар бир хил ўлчамда (157x67 мм). XX аср охирига келиб, пул калбакилаштириш авжига чиккан пайтда долларнинг содда кўриниши давр талабига жавоб беролмай колди. Якин-якингача пулни калбакилаштириш жуда осон эди. 1996 йилда чиккан долларнинг янги нусхаси фирибгарлар учун жиддий синов бўлди.